



Халқ сўзи

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 16 июнь, № 121 (9292)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 15 июнь куни «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамиятини трансформация қилиш ва IPOга тайёрлаш ишларини жадаллаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда давлат иштрокидаги йирик корхоналарни ислох қилиш, уларда корпоратив бошқарув ва ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда. Бу жараёнда Миллий инвестиция жамғармаси фаолиятининг йўлга қўйилгани ва унинг бошқарувига “Franklin Templeton” компанияси жалб этилгани муҳим қадам бўлди.

Ўтган ойда Миллий инвестиция жамғармаси илк бор халқаро бозорда 690 миллион долларлик активларни joyлаштирди. Бу орқали Ўзбекистон глобал капитал бозори қоидалари асосида ишлашга тайёр экани ҳақида муҳим сигнал берилди. Joyлаштириш жараёнида талаб тақлифдан 4 баробар юқори бўлиб, йирик инвесторлар томонидан қарийб 3 миллиард долларлик buyurtmalar берилди.

Энди жамғарма портфелидаги 13 та йирик компанияда трансформация жараёнини тезлаштириб, уларни IPOга тайёрлаш вазифаси турибди. Жумладан, “Uzbekistan Airways”, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Ўзбекгидроэнерго”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Ўзбектелеком” бўйича ишлар шу йилнинг ўзида якунланиши мақсад қилинган.

Тақдимотда “Uzbekistan Airways” АЖ мисолида мазкур жараёнларни ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

“Franklin Templeton” вакиллари томонидан миллий авиакомпаниянинг фаолияти диагностикадан ўтказилиб, 115 та чора-тадбирдан иборат трансформация дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастур тўлиқ амалга оширилса, компаниянинг операцион даромадларини бир йилда 120 миллион долларга ошириш имкони борлиги ҳисоб-китоб қилинган.

Жумладан, маршрутларни оптималлаштириш, тўғридан-тўғри сотувларни ошириш ва мижозлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, парвозлар орасидаги вақтни қисқартириш, рейсларни бекор қилиш ҳолатлари ва кечикишларни камайтириш, кейтеринг ва техник хизмат кўрсатиш каби тизим корхоналари самарадорлигини ошириш, бозордаги вазиятга тежор мослашиш ва малакали мутахассисларни жалб қилиш ҳисобида қўшимча даромад олиш мумкинлиги қайд этилди.

Бу чоралар натижасида авиакомпаниянинг бозор қийматини 1,6 миллиард доллардан 2,3 миллиард долларга ошириш имкони мавжуд. Шу билан бирга, дастур ишлаб чиқилганига бир неча ой бўлганига қарамай

уни амалга ошириш ишлари суст бораётгани кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари компанияни халқаро капитал бозорига тайёрлаш учун, аввало, бошқарув сифатини тубдан ошириш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш, ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида юритиш ва кредит рейтингини яхшилаш зарурлигини таъкидлади.

Йил якунигача миллий авиакомпаниянинг 15 — 20 фоиз акциясини халқаро IPO орқали сотиш мақсад қилинган. Бунинг учун компания фаолиятини холис баҳолаш, унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, махсус ҳаво кемаларини компания балансидан чиқариш, давлат buyurtmasi асосида бажариш хизматларини қоллаш механизминини жорий этиш бўйича амалий чоралар кўрилиши белгиланди.

Тақдимотда туризм соҳасидаги юқори ўсиш суръатлари авиакомпания олдига янги талаблар қўяётгани ҳам қайд этилди. Йил бошидан мамлакатимизга келган туристлар сони 27,5 фоизга ошиб, қарийб 5,5 миллион нафарга етди. Айниқса, Хитой, Малайзия, Япония ва АҚШдан келаётган сайёҳлар сони сезиларли кўпайган.

Айни пайтда миллий авиакомпания бу ўсишга етарлича тез мослаша олмаётгани

кўрсатиб ўтилди. Самолётлар паркини кенгайтириш ишларида кечикишлар мавжуд.

Шу боис авиакомпанияда харидлар тизимини алоҳида тартиб асосида ташкил этиш, самолётлар паркини кенгайтириш бўйича қарорларни тежор қабул қилиш ва бу жараёнларда халқаро амалиётни жорий этиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз Тошкентни Марказий Осиёнинг йирик авиахабига айлантириш учун барча имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Бунинг учун “Uzbekistan Airways”, “Uzbekistan Airports” ва “Янги Тошкент” аэропорти ўртасидаги ҳамкорликни ягона тизим асосида мувофиқлаштириш, инфратузилма, йўналишлар ва транзит тармоғини ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Мутасаддиларга Миллий инвестиция жамғармаси портфелидаги корхоналар трансформациясини тизимли ташкил этиш учун алоҳида лойиҳа офисини ишга тушириш, компаниялар бошқарув органларига халқаро молия бозорлари талабларини яхши биладиган, амалий тахрибага эга мутахассисларни жалб қилиш, ҳар бир корхона бўйича IPOга тайёргарликнинг аниқ графигини ишлаб чиқиш ва ижросини қатъий назорат қилиш топширилди.

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

АЛБАНИЯ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Албания Республикаси Президенти Байрам Бегай рафиқаси ҳамроҳлигида 16-17 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон ва Албания ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш истикболлари муҳокама қилинади.

Савдо, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги, “яшил” энергетика ва туризм каби устувор йўналишларда ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари эъти

бор марказида бўлади. Маданий-гуманитар алмашинуви фаоллаштириш ҳам кўриб чиқилади.

Халқаро кўн тартибидаги масалалар, жумладан, кўп томонлама платформалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам фикр алмашиш режалаштирилган.

Ташриф дастури доирасида Албания Президенти V Тошкент халқаро инвестиция форумида ҳам иштирок этади.

ЎЗБЕКИСТОН ВА АЛБАНИЯ ЎЗАРО МАНФААТЛИ СИЁСИЙ-ИҚТИСОДИЙ ШЕРИКЛИКНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ КҮН ТАРТИБИНИ ШАКЛЛАНТИРМОҚДА

16-17 июнь кунлари Албания Президенти Байрам Бегай Ўзбекистонга расмий ташриф буюради ва Тошкент халқаро инвестиция форумида (ТХИФ) иштирок этади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Албания икки томонлама муносабатларни фаоллаштириш ҳамда кен қўламли йўналишларда ҳамкорликни кенгайтиришга интилаётганини намоён этмоқда. Географик узоқликка қарамай томонлар сиёсий мулоқотни, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.



ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер рафиқаси ҳамроҳлигида 17-18 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, икки давлат раҳбарларининг тор ва кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтади. Ўзбекистон — Германия кўп қиррали муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади.

Томонлар савдо, саноат кооперацияси, энергетика ва “яшил” технологиялар, транспорт ва логистика, фармацевтика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги соҳаларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш, таълим ва гуманитар алмашинувларни фаоллаштириш

масалаларига алоҳида эътибор қаратадилар. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб мавзулар юзасидан ҳам фикр алмашилади. Музокаралар доирасида бир қатор янги қўшма лойиҳа ва дастурларни ишга тушириш ҳамда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга қўшимча суръат бағишлайдиган ҳужжатлар тўпламини қабул қилиш режалаштирилган.

Ў.А.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МУҲИМ МИНЕРАЛЛАР ВА ТЕХНОЛОГИК МЕТАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев саноат учун муҳим минераллар хомашё базасини ривожлантириш ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан тақдимот билан танишди.

Дунёда технологик металлар ва муҳим минералларга талаб кескин ортиб бормоқда. Электротехника, машинасозлик, авиация, энергетика, тиббиёт ва бошқа юқори технологияли тармоқлар учун зарур бўлган бундай хомашё ва маҳсулотлар иқтисодий хавфсизлик ҳамда саноат рақобатбардошлигининг муҳим омилига айланмоқда.

Мамлакатимизда бу йўналишда катта салоҳият бор. Лекин ҳозирги вақтда Ўзбекистон технологик металлар комбинатининг асосий фаолияти, асосан, вольфрам ва молибден ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, янги конларни ўзлаштириш, бойитиш фабрикалари, гидро ва пирометаллургия заводларини қуриш орқали 28 турдаги муҳим минералларни саноат даражасида ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Тақдимотда ушбу салоҳиятни тўлиқ ишга солиш бўйича 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган режалар кўриб чиқилди. Унга кўра, умумий қиймати 4,2 миллиард долларлик 120 та лойиҳани амалга

ошириш кўзда тутилган. Бу орқали тармоқ ҳажмини 2028 йилгача 1 миллиард долларга, 2030 йилгача 2 миллиард долларга етказиш имконияти борлиги қайд этилди.

Жорий йилнинг ўзида 166 миллион долларлик 12 та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган. Натижада юқори софликдаги селен, теллур ва рений каби 3 турдаги янги металл, қуқун металлургияси асосида автодеталлар сингари 21 турдаги импорт ўринни босувчи маҳсулотлар ҳамда сульфат кислотаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, янги қувватлар ҳисобидан юзлаб иш ўринлари яратилади, бюджет тушумлари ва экспорт имкониятлари ортади.

Вольфрам ва молибден бўйича “хомашё — қайта ишлаш — тайёр маҳсулот” занжирини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу орқали фақат концентрат ёки ярим-тайёр маҳсулот эмас, балки юқори қўшилган қийматга эга металл қуқунлари, қотишмалар, стерженлар, симлар, саноат учун деталлар ва

бошқа тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсад қилинган.

Бунинг учун Чирчиқ шаҳрида “Келажак металлари” технопарки ва “R&D” марказининг фаолиятини кенг йўлга қўиш белгиланган. У ерда илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, юқори софликдаги металлар ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур шароит яратилади.

Президентимиз технопарк ва унинг резидентларига ер участкалари ҳамда инфратузилмадан фойдаланиш бўйича қўшимча имтиёзлар бериш, стартап лойиҳаларни молиялаштириш дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Марказий Осиёда муҳим минераллар бўйича ягона илмий-тадқиқот ва технологик марказни шакллантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Чирчиқ шаҳрида ташкил этилаётган нанотехнил лабораторияси геология, кончилик ва металлургия лойиҳалари учун замонавий таҳлил хизматларини кўрсатади. Лаборатория тўлиқ ишга тушган бир кунда

1 мингтагача намуна таҳлил қилиниб, 6,5 миллион долларлик импорт хизматлари маҳаллийлаштирилади, яна 4 миллион долларлик хизматлар экспорти йўлга қўйилади.

Соҳадаги лойиҳаларни тезлаштириш учун геология-қидирув ишларини кенгайтириш, истикболли майдонлар ва конларни халқаро стандартлар асосида баҳолаш, техноген қинқиндиларни қайта ишлаш, хорижий инвесторлар ва технологик ҳамкорларни фаол жалб қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, тармоқда рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш зарурлиги таъкидланди. Геологик маълумотларни ягона рақамли базага жамлаш, қидирув ишларини “3D” моделлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини реал вақт режимида назорат қилиш, бозор таҳлили ва лойиҳалар бошқарувини замонавий платформалар орқали ташкил этиш вазифалари белгиланди.

Соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам эъти

бор қаратилди. Тошкент давлат техника университети билан дуал таълим тизимини йўлга қўйилиб, Технологик металлар комбинатида металлургия ва материалшunoslik бўйича 2 та кафедра очилган. Айни вақтда университетнинг 64 нафар талабаси ишлаб чиқариш амалиётини корхонада ўтамоқда. Мутасаддиларга дуал таълим қамровини кенгайтириш, ўқув дастурларини янги лойиҳалар эҳтиёжига мослаштириш ва битирувчиларни юқори технологик ишлаб чиқаришларга йўналтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари муҳим минераллар соҳаси янги саноат тармоқларини шакллантириш, экспортни кўпайтириш, технологик мустақиллиқни таъминлаш ва юқори малакали иш ўринлари яратишда катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Мутасаддиларга 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган лойиҳалар ижросини қатъий назорат қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



13 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекис

тон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди. Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб берилди. Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси “Суд

хокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисида”ги қонунни муҳокама қилишдан бошланди.

Таъкидланганидек, ушбу қонуннинг асосий мақсади суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда судларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ ва мустақил равишда фаолият юритиши таъминлашдан иборат.



Муҳокама АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИК ҚОЛАТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Кеча Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Сенати Раиси, мазкур комиссия раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Тадбирда республика комиссияси аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, ҳудудлардан онлайн тарзда масъул раҳбарлар иштирок этди.

Мажлисда хотин-қизларга нисбатан таъзиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, жабрланувчиларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳамда бу борада амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни ҳар қандай таъзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 3 мартдаги “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таъзиқ ва зўравон

лик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги Фармони ҳимоя механизmlарини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада ҳал этилиши лозим бўлган қатор тизимли муаммолар сакланиб қолаётгани айтилди. Хусусан, зўравонлик содир этган шахслар билан ишлаш бўйича тузатиш дастурлари амалиётида белгиланган тартиблар тўлиқ ишламаётгани, профилактика инспекторлари томонидан индивидуал режалар ишлаб чиқилмаётгани ва ижроси назорат қилинмаётгани танқид қилинди. Айни чогда ахборот тизимлари ўртасида интеграция етарли эмаслиги, айниқса, “E-order” ва “E-tuzatish dasturi” платформалари фаолиятидаги техник муаммолар хизмат кўрсатиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди.



ти ҳамда Арсуз тумани раҳбарияти ва бошқа қатор расмий вакиллар ҳам қатнашди. Таъкидланганидек, Хатай заминида бунёд этилган ғўзал масканларга “Шавкат Мирзиёев булвари”, “Ўзбекистон маҳалласи”, “Тошкент” ва “Самарканд” қўчалари, “Ўзбекистон Республикаси биродарлик боғи” каби номлар берилиши ва “Бухоро жоме масжиди”нинг фаолият юритиши ўзбек халқи кўрсатилган юксак ҳурмат намунасидир.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламадаги ислохотларни алоҳида эътироф этиб, айниқса, қардош халқлар билан ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади.

Тадбир давомида Ўзбекистон делегацияси аъзолари ушбу мажмуалар билан ҳам танишди. Шунингдек, эрталабдан бошланган сайилларда маҳаллий аҳоли ўзбек миллий концерт дастурлари ва Ўзбекистонлик моҳир ошпазлар томонидан тайёрланган миллий таомлардан баҳраманд бўлди. Ўзбекистон тарихи ва маданиятига бағишланган фотосуратлар ҳамда ўзбек миллий хўнарамандчилик асарлари кўргазмалари Хатай аҳолисида катта таассурот қолдирди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Хужжат билан судларни молиялаштириш фақат Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши ва бюджет лойиҳасини тайёрлашда судларнинг мустақил иштироки қатъий белгиланган бўлиши керак.

Эндиликда Бюджет кодексига мамлакатда иқтисодий вазият ёки бюджет тақчиллиги орттирилган қатъи назар, судлар фаолияти учун ажратиладиган маблағларни қисқартириш тақиқланмоқда. Шунингдек, навбатдаги йил учун ажратиладиган маблағлар ҳажми ўтган йилдагидан кам бўлмаслиги кафолатланмоқда.

Янги тартибга кўра Конституциявий суд, Олий суд ва Судьялар олий кенгаши ажратилган маблағларни ўзлари мустақил равишда тасарруф этади, қуйи судлар тизими бўйича эса буни Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти амалга оширади.

Бундан ташқари, “Судлар тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгаришга мувофиқ эндиликда ҳар бир суд алоҳида бино, қўриқлаш тизими ва автотранспорт билан таъминланади.

Сенаторларнинг фикрича, мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга, судьяларнинг ва суд аппарати ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилашга ҳамда юртимизда одил судлов сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтаришга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Ялпи мажлисда “Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ҳам қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, sanoat корхоналари сони ошиши, кенг кўламли қурилишлар, шахрларнинг кенгайиб бориши, транспорт воситаларининг кўпайиши каби омиллар туфайли аҳолининг маиший ҳаётида шовқиннинг салбий таъсири ортиб бормоқда.

Амалда эса аҳоли саломатлиги ва осоишталигига, нормал дам олишга салбий таъсир кўрсатувчи зарарли шовқинларга қарши курашиш масалаларини комплекс тартибга солувчи ягона ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас.

Шовқиннинг зарарли таъсири меъёrlарини назарда тутувчи 7 та санитария норма ва қоида амал қилса-да, қонунчиликда бу борада қатъий талаблар белгиланмаган. Натижада ушбу санитария норма ва қоидаларига сўзсиз риоя этилиши таъминланмапти.

Бундан ташқари, қонунчиликда инсон саломатлиги учун зарар келтирувчи ва рухсат этилган даражадан юқори бўлган шовқинларни келтириб чиқараётган объектларни жавобгарликка тортиш масалалари тўлиқ ва аниқ белгиланмаган.

Шунингдек, давлат органлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг зарарли шовқинга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича вазифа ва функциялари ҳамда жавобгарлигини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу қонун билан аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишнинг умумий қоидалари, давлат органларининг ушбу соҳадаги ваколатлари, аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар аниқ белгиланмоқда.

Шунингдек, фуқароларнинг осоишталиги ва нормал дам олишини бузишга йўл қўйилмайдиган вақтлар оралиги, шовқиннинг зарарли таъсири учун компенсация тўловларига оид нормалар назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахсларнинг аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Сўзга чиққанлар қонуннинг қабул қилиниши аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш муносабатларини тартибга солишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

Сенаторлар ушбу қонунни маъқуллади. Ялпи мажлисда “Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида”ги Конституциявий қонун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур Конституциявий қонун мамлакатимизда инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, халқаро капитални жалб қилиш ҳамда замонавий молия инфратузилмасини шакллантириш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонунда Тошкент халқаро молия марказининг ҳуқуқий мақоми, унинг фаолиятини тартибга солувчи асосий принциплар, бошқарув тизими, ваколатлари, шунингдек, институционал тузилмаси белгиланмоқда.

Шу билан бирга, Молия маркази ҳудудда инвесторлар учун ҳуқуқий барқарорлик ва ишончли суд ҳимоясини таъминлашга қаратилган нормалар ҳам қонунда ўз аксини топган.

Сенаторлар Молия маркази иштирокчилари учун яратилаётган имкониятларга ҳам алоҳида ўтхатиб ўтди. Жумладан, ушбу марказ иштирокчилари ва уларнинг ходимларига хорижий валюталарга ҳисоб-китоб қилиш, чет эллик мутахассисларни ишга қабул қилиш ва визалар оlishда содда-лаштирилган махсус тартиблар белгиланиши кўзда тутилган.

Муҳокама давомида қонуннинг айрим нормаларини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар билдирилди.

Хусусан, Тошкент халқаро тижорат суди судьяларига қўйилаётган талабларни қайта қўриб чиқиш, Тошкент халқаро тижорат судининг ҳар қандай халқаро арбитражга оид ишлари, мазмурий-ҳуқуқий низоларни қўриш ҳамда Конституция ва қонунларга шарҳ бериш ваколатларини аниқлаштириш каби масалаларни қайта қўриб чиқиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Сенаторлар фикрича, мазкур тақлифларни инобатга олган ҳолда ушбу қонун устида янада пухта ишлаш инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда Тошкент халқаро молия марказининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Қизгин муҳокама натижасида Конституциявий қонунни такомиллаштириш бўйича тақлифлар билан Қонунчилик палатасига юбориш, сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат келишув комиссиясини тузиш ҳамда манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлар вакиллари ни жалб қилган ҳолда уни қайта ишлаш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинди.

Муҳокама якунида Сенатнинг ушбу Конституциявий қонунни такомиллаштириш юзасидан қарори қабул қилинди.

Шунингдек, ялпи мажлис давомида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва фуқароларнинг одил судловга ишончини



Ахил МУХАММАДОВ оltон суратлар.

ошириш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бирок таҳлилларга кўра ҳамоно судлар фаолиятига ташқаридан аралашishi ҳолатлари кузатишмоқда.

Янги Конституциявий нормаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур қонун билан 2 та кодексга ўзгаришлар киритилмоқда.

Жумладан, Жиноят кодексига киритилаётган ўзгаришлар билан суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жиноий жа-вобгарлик қоралари аниқлаштирилмоқда. Шунингдек, Маъмурий жа-вобгарлик тўғрисидаги кодексда суд биносида тартибни бузиш ва судга ҳурматсизлик қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар учун маъмурий жа-вобгарлик қоралари белгиланмоқда.

Мазкур қонун аввалроқ Сенат томонидан қайта қўриб чиқилиши лозим бўлган айрим масалалар мавжудлиги сабабли Қонунчилик палатасига қайтарилган эди. Келишув комиссияси доирасида ушбу эътирозлар қўриб чиқилиб, Қонун тақоми-лига етказилди. Қонунда фақат энг дол-зарб масала — суд мустақиллигини таъ-минловчи моддалар қолдирилди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш, уларнинг фаолиятига ҳар қандай ноқону-ний аралашувларнинг олдини олиш ва одил судлов сифатини оширишга хизмат қилади.

Сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шундан сўнг “Ўзбекистон Республика-сининг айрим қонун ҳужжатларига ов қилиш ва овчилик ҳўжаликлари фаолияти-ни янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғри-сида”ги қонун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда ов қилиш ва овчилик тай-ёрлаш тартибини тизимлаштириш, соҳага илгор технологияларни татбиқ этиш, ов-чилик ҳўжаликларида биохилмаҳилликни кўпайтириш ва ундан оқилона фойдала-ниш борасида кенг кўламли ишлар амал-га оширилмоқда.

Шу билан бирга, овчилик ҳўжаликлари-ни ташкил этиш учун ер участкалари аж-ратиш, ов қилишни фақат белгиланган жойларда амалга ошириш механизмлари-ни такомиллаштириш, овчиликка таалуқ-ли ҳўжатларни бериш жараёнларини ра-қамлаштириш зарурати юзга келмоқда.

Қонун билан Ўзбекистон Республикаси-нинг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Қурол тўғрисида”ги ҳамда “Ов қилиш ва овчилик ҳўжалиги тўғрисида”ги қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, “Ов қилиш ва овчилик ҳўжали-ги тўғрисида”ги қонунда овчилик гувоҳно-маси давлат хизматлари орқали, овчилик йўлнамаси эса махсус электрон дастур орқали берилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, овчилик ҳўжаликлари-ни ташкил этиш учун қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерлардан ҳамда ўрмон фонди ерларидан 10 гектаргача ер овчи-лик базалари учун ҳамда 100 гектаргача ер питомниклар барпо этиш учун инвес-тициявий ҳамда шартномавий мажбурият-лар белгиланган ҳолда электрон онлайн-аукцион орқали ижарага берилиши на-зарда тутилмоқда.

Энг муҳими, агар 2 йил муддат ичида ёввойи ҳайвонларни етиштириш ва тарқор кўпайтириш бўйича питомниклар инфра-тузилмаси ёки тарқор кўпайтириш участ-киси ташкил этилмаса, ижара шартнома-си бекор қилиниши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, овчилик гувоҳнома-ла-

ри ва йўлланмаларини беришга, ёввойи ҳайвонларни тутишга доир қвоталарни бел-гилаш ҳамда тақсимлашнинг илмий асос-ланган тартибини мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонун ов қилишни фақат ов-чилик ҳўжаликларига бириктирилган жой-ларда, шунингдек, эркин ов қилиш жойла-рида амалга оширишни белгилашга, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерла-рда ҳамда ўрмон фонди ерларида овчилик ҳўжаликлари-ни ташкил этиш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали ижара ҳуқуқи асосида ажратишни тартибга солишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Муҳокама жараёнида таъкидланганидек, қонуннинг қабул қилиниши овчилик соҳа-сида ягона ва шаффоф ҳуқуқий меха-низмларни яратишга, соҳада назоратни ку-чайтиришга, ёввойи ҳайвонлар ресурслари-дан оқилона фойдаланишни таъминлаш-га ҳамда овчилик ҳўжаликлари-ни ривож-лантиришга хизмат қилади.

Сенаторлар қонунни маъқуллади.

Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажли-сида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига коррупцияга қарши ку-

рашиш самарадорлигини оширишга, коррупцияга оид жиноятлар учун жа-вобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғри-сида”ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Қонуннинг асосий мақсади жиноят қонунчилигида мавжуд бўшлиқларни тўлди-риш, коррупциявий жиноятлар учун жазо қораларининг қатъийлигини таъминлаш ҳамда халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишдан иборат.

Ушбу қонун билан Жиноят кодексига концептуал ва принципиал ўзгаришлар киритилмоқда. Жумладан, кодекс-нинг саккизинчи бўлимига “коррупцияга оид жиноятлар” деган янги атама ва уларнинг аниқ рўйхати киритилиб, тер-минологик чалқашликларга барҳам бе-рилди. Бундан ташқари, пора олиш, пора бериш ва бу жараёнда воситачилик қил-ганлик учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш институти-ни қўллаш тақиқланмоқда.

Шунингдек, суд амалиётидаги зидди-ятларни бартараф этиш мақсадида хиз-мат мавқеидан фойдаланган ҳолда со-дир этилган фирибгарлик белгиси Жи-ноят кодексининг 168-моддаси тўртинчи қисмига (ўта оғир жиноятлар тоифасига) ўтказилди ва ушбу қилмиш учун 10 йил-гача озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, хусусий ва нодавлат секторидо коррупциянинг олдини олиш мақсадида нодавлат таҳсилоти хизматчи-сини пора эвазига оғдириб олиш жинояти учун жа-вобгарлик қоралари қучайтирил-моқда. Жиноят кодексининг қатор модда-ларида қилмишнинг “ғаразғўйлик ниятла-рида” содир этилиши жазони оғирлашти-рувчи янги квалификация белгиси сифа-тида белгиланмоқда.

Давлат бошқаруви тизимини функция-лар тақрорланшининг олдини олиш мақ-садида “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонунга ўзгариш киритилди ва коррупцияга қарши ички назорат (комплеанс-назорат) тизими жорий қилиниши устидан назорат қилиш вазифаси бекор қилинди. Маъму-рий жа-вобгарлик тўғрисидаги кодексда эса давлат харидлари ва бюджет тизиминидаги қонунбузилишлар учун санкциялар қу-чайтирилди.

Сенаторларнинг фикрича, мазкур қонун-нинг ҳаётга татбиқ этилиши жамятда кор-рупцияга нисбатан муросасиз муносабат-ни мустаҳкамлашга ҳамда жиноятлар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

Сенаторлар қонунни маъқуллади. Ялпи мажлис давомида ипакчиликни ривожлантириш, пиллани етиштириш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, озуқа базасини яхшилаш ҳамда ушбу соҳа-нинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш юзасидан Ҳукуматга парламент сўровини юбориш масаласи ҳам қўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, мамлакатимизда бу борада қатор чора-тадбирлар амалга оши-рилмоқда. Хусусан, ипак қурти озуқа ба-засини мустаҳкамлаш, пилла етиштириш ва қайта ишлаш ҳажмини ошириш орқали 470 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилган. Фермер ҳўжаликлари дала чет-лари, арик-зовур бўйлари ва ўрмон ҳўжа-лиги ерларида 29,2 миллион туп якка қатор тут қўчатлари екилган. Жорий йилда 30,1 минг тонна пилла етиштириш ҳамда экспорт ҳажмини 120 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, ялпи мажлисда 54 минг гектар тутзорларнинг 15 минг гектаридан ортиғи эскиргани, пилла парваришлашда илмий асосланган инновацион технология-лар етарли даражада жорий қилинмагани, маҳсулот етиштирувчиларда замонавий билим ва кўникмалар етишмаслиги, қурт боқиш хоналари санитария талабларига жа-воб бермаслиги, озиклантириш ва сақ-лаш ишлари тўғри ташкил этилмагани на-тижасида ҳосилдорлик пастилишига қолаёт-гани каби камчиликлар танқид қилинди.

Бундан ташқари, соҳада илмий тадқи-қот ва таҳриба-конструкторлик ишланма-ларини жорий қилиш самарали ташкил этилмагани, маҳаллий уруғлар улуши пасти-лиги натижасида уруғларни импорт қилиш эҳтиёжи сақланиб қолмоқда. Қўшилган қиймат занжири ҳам тўлиқ шаклланмаган. Бунинг натижасида мамлакатимизда етиштирилаётган пилланинг атиги 30 фоизи чўқур қайта ишланмоқда.

Муҳокама якунида ипакчиликни ривож-лантиришининг ушбу долзарб масалалари юзасидан Сенатнинг Ҳукуматга парламент сўровини юбориш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Сенатнинг 16-ялпи мажли-сида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2025 йилдаги фаолияти юзаси-дан ҳисоботи эшитилди.

Марказий банк 2025 йилдаги фаолия-тида асосий эътиборни банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини мақбуллаштириш, юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг салбий таъсирлари-ни юмшатиш ва банклар бардошлигини ошириш, банк хизматлари ва ҳисоб-китоб операцияларига кибертаҳдидлар ва фи-рибгарликнинг олдини олиш мақсад-ларига қаратган. Бундан ташқари, аҳоли-нинг ҳамжари фаоллигини рағбатланти-риш ҳамда ўрта муддатли истикболда ин-фляциянинг белгиланган таргет кўрсатки-ча етишини таъминлаш мақсадлари ҳам назарда тутилган.

Шунингдек, пул-кредит сиёсати опера-ция механизмининг такомиллаштириш, унинг трансмиссион каналини яхшилаш, банк тизими ликвидлигини самарали бошқариш ва пул бозорига фойз ставка-ларининг бозор механизмлари асосида шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Бунинг натижасида йил якуни бўйича инфляция даражаси 2024 йилдаги 9,8 фой-издан 7,3 фойизга, базавий инфляция эса мос равишда 7,3 фойиздан 5,7 фойизгача пасайган. Бу эса иқтисодиётда инфляци-он жараёнлар барқарорлашаётганини кўрсатган.

Йил якунига кўра ялпи халқаро захира-лар ҳажми 1,6 баравар кўпайиб, 66,3 мил-лиард долларни ташкил этган. Халқаро за-хираларни бошқаришда Марказий банк-нинг қимматли қўзғолар портфели қийма-ти 1,5 миллиард долларга етган. Йил да-вомида аҳоли ва тадбиркорлик субъект-ларига 330 триллион сўмлик кредит маб-лағлари ажратилган.

Муаммоли кредитлар улуши кредит портфелида 3 фойизгача пасайган. Муам-моли кредитларнинг захиралар билан қо-ланиш даражаси 87 фойиздан 94 фойизга ошди. Бу эса юзгага келиши мумкин бўлган йўқотишлар учун етарли маблаг мавжуд-лигини кўрсатади.

Эътиборли жиҳати, ушбу жараёнда банкларнинг молиявий барқарорлик кўрсаткичларига ҳам, портфел сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, капитал етарлилиги кўрсаткичи 18,3 фойз, ликвидлигини қоплаш меъёри 208 фойз, соф барқарор молиялаштириш меъёри 120 фойз даражасида шаклланган.

Тўлов тизимларининг барқарорлиги ва инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оши-рилиши нақд пулсиз тўловларни кен-гайтиришга ва тўлов тизимларига таҳдид солаётган киберҳужумлар ва фирибгар-лик ҳолатларининг олдини олишга кўмак-лашади.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан тўлов хизматлари борасида тижорат бан-клари, тўлов ташкилотлари ва тўлов ти-зими операторлари фаолиятини назорат қилиш механизмларини такомиллашти-риш ҳамда банк ва тўлов тизимларида киберхафсизликни таъминлаш, молия-вий хизматлар соҳасида фирибгарликка қарши курашиш бўйича тақлифлар бил-дирилди.

Муҳокамадан сўнг Сенатнинг ушбу та-клифларни инобатга олган тегишли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республи-каси Олий суд таркибига ўзгариштирилар киритиш тўғрисидаги масала ҳам қўриб чи-қилди.

Олий Мажлиси Сенатининг мазкур маса-ла юзасидан қабул қилинган қарорига мувофиқ Акмалжон Алижонов, Дилфуза Дададжанова, Дилфуза Жuraева, Ўткир Разиков, Сардор Раҳимов, Муҳиддин Султонов, Жаҳонгир Турдумрадов, Луиза Халитова, Абдулсид Хожиев ва Марат Ўргашев ўн иллий муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайланди.

Ялпи мажлисда жамят ҳаётининг бар-ча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳ-камлашга ва мамлакатимизда амалга оши-рилаётган кенг кўламли ислохотлар сама-радорлигини оширишга, халқаро ҳамкор-лики ривожлантиришга қаратилган 9 та масала, жумладан, 6 та қонун қўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Муносабат

АСОСИЙ МЕЗОН — ХАЛҚЧИЛЛИК

Олий Мажлиси Сенатининг 16-ялпи мажлиси кун тартибидан қатор қонунлар муҳокамаси, парламент сўрови жўнатиш, республика миқёсидаги ташкилотларнинг ҳисоботини эшитиш каби масалалар ўрин олди. Навбатдаги ялпи йиғилишда қўриб чиқилган судларнинг молиявий мустақиллиги, судга халақит қилганлик учун жазо қораларининг қучайтирилиши, коррупцияга қарши кураш ва аҳоли осудаллигини сақлашни назарда тутувчи қонунлар шулар жумласидан. Уларнинг аҳамияти хусусида сенаторлар фикр билдирди.

Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ, Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси:

— Маълумки, судларнинг чи-накам мустақиллиги уларнинг мо-лиявий жиҳатдан ижро этувчи ҳокимият тизимига қай даражада қарам эмаслиги билан бевосита боғлиқ. Суд тизимининг молиявий масалалари умумий эмас, балки алоҳида қонун даражасида кафо-латланиши эса соҳага юқори ма-лакали кадрларни жалб этиш ва тизимда коррупциявий ҳолатлар-нинг олдини олишга хизмат қилу-вчи муҳим омилдир.

Ялпи мажлис муҳокамасига ки-ритилган “Суд ҳокимияти орган-лари фаолиятини молиялаштириш тўғрисида”ги қонун суд ҳокимия-тининг ижро этувчи ҳокимият органларидан тўлиқ молиявий мустақиллигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш учун етарли ва барқарор ресурслар ба-засини яратишнинг мустаҳкам қонуний пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Қонуннинг 4-моддасида судлар фаолиятини молиялаштиришнинг ягона ва шартсиз манбаси сифа-тида фақат Ўзбекистон Республи-касининг Давлат бюджети белги-ланмоқда. Мазкур норма суд ҳоки-

миятини молиялаштириш жараё-нидаги иккиламчи ёндашувга чек қўйган ҳолда тизимнинг бюджет маблағларини тасарруф этувчи мустақил субъект сифатидаги мақомини ҳуқуқий жиҳатдан мус-таҳкамлайди.

Қонуннинг энг муҳим ва кафо-латловчи жиҳатларидан бири, бу — судларни молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятларига оид қоидалар. Хусусан, Давлат бюд-жети лойиҳасини ишлаб чиқишда судьялар ва суд аппарати ходим-ларининг иш ҳақи, рағбатланти-рувчи тўловлар, судларнинг мод-дий-техник таъминоти ҳамда судьялар ва уларнинг оила аъзо-ларини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари қатъий инобатга оли-ниши шарт.

Эътиборлиси, судлар фаолия-тини таъминлашга ажратиладиган маблағлар ҳажми қоида тариқаси-да, ўтган молия йилдагидан кам бўлмаслиги белгиланган. Бундан ташқари, Давлат бюджети даро-мадлари прогнози ижроси қандай бўлишидан қатъи назар, суд ти-зими харажатларини камайтириш тақиқланмоқда.

Анвар ТҶҲИЕВ, Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси:

— Мамлакатимизда табиий ре-сурслардан оқилона фойдаланиш, биохилмаҳилликни сақлаш ва эко-логик мувозанатни таъминлаш ма-салалари давлат сиёсатининг ус-тувор йўналишларидан бирига ай-ланди. Айни чоғда ҳайвонот ва ўсимлик олами вакиллари-ни ас-раб-авайлаш, уларнинг ноёб тур-ларини сақлаш ва кўпайтириш ма-салаларига алоҳида эътибор қар-атилмоқда. Бирок шунга қарамай бугунги кунда экологик вазиятни яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда ўсим-лик ва ҳайвонот дунёсини муҳо-фаза қилиш ҳолати таҳлили соҳа-да айрим муаммолар мавжудли-гини кўрсатмоқда.

Жумладан, ов ресурсларидан фойдаланишда ягона ва шаффоф ҳисоб-китоб тизими тўлиқ шакл-ланмаган. Аксарият ҳолатларда ов ҳўжаликлари томонидан ов қилиш бўйича шартномалар қонун талаб-ларига зид равишда тузилган. Би-рорта ов ҳўжалиги томонидан тех-ник-иқтисодий асоснома ишлаб чиқилмаган. Айрим ҳудудларда но-қонуний ов қилиш билан боғлиқ ҳолатлар ортиб бормоқда. Шун-ингдек, ов ҳўжаликларининг ов қилиш жойларини бериш бўйича тузилган шартномаларнинг амал қилиш муддатлари тугаган бўлса-да, ноқонуний равишда овчилик билан шўғулланиши, ҳайвонларни овлашга ноқонуний рухсатнома-ларни сотиш ҳолатлари учраб ту-рибди.

Урганиш натижаларига кўра, ов ҳўжаликларининг моддий-техника базаси ҳам етарли даражада ри-вожланмаган, ҳайвонот д

АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИК ҲОЛАТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Шу муносабат билан ахборот тизимларини такомиллаштириш, тезкор маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш ва Миллий статистика қўмитасининг ягона маълумотлар базаси билан интеграция қилиш вазифалари белгиланди.

Маълум бўлишича, зўравонлик содир қилган шахсларнинг аксариятини ишсизлар ташкил этади. Масъул вазирилик ва идораларнинг эътибори мазкур тоифадаги шахсларни аниқлаш, уларни касб-хунарга ўқитиш ва бандлик дастурига жалб қилиш бўйича идоралараро ҳамкорлик механизмларини кучайтиришга қаратилди.

Мажлисда жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қилиш масаласи ҳам муҳокама этилди. Оилавий-маиший зўравонликка оид ишлар бўйича жабрланувчиларнинг малакали ҳуқуқий ёрдам, жумладан, адвокат хизматларидан

фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарурлигига уруғ берилди.

Шунингдек, малакали психолог кадрлар етишмаслиги, реабилитация марказларидаги аёлларнинг фарзандларини мактабга таълим ташкилотларига ўз вақтида жойлаштириш ва бирламчи ёрдам кўрсатиш хоналари фаолиятидаги ташкилий масалалар ҳам эътибор марказида бўлди.

Психология таълим йўналишларини амалиёт талаблари асосида такомиллаштириш, оилавий зўравонлик ҳолатлари билан ишлашга ихтисослашган мутахассислар тайёрлаш ҳамда реабилитация хизматлари сифатини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Мажлис якунида юқорида қайд этилган тизимли масалаларни ҳал қилишни ўз ичига олган республика комиссияси қарори ва тегишли “Йўл харитаси” тасдиқланди.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛАДИ

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари аъзолари 15-16 июнь кунлари Сенат қўмиталари фаолияти билан танишади, 15 — 19 июнь кунлари эса Навоий ва Бухоро вилоятлари маҳаллий Кенгашлари котибияти ходимлари Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш марказида амалий машғулотларда иштирок этади.

Ҳамкорлик

Амалиёт давомида қатнашчилар Сенат қўмиталари ҳамда марказ фаолияти билан яқиндан танишиб, маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир долзарб масалаларни ҳал этишда маҳаллий вакиллик органларининг иштиро-

кини кенгайтириш юзасидан муҳокамалар ўтказмоқда.

Тадбирларда маҳаллий Кенгаш депутатларини қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб этиш, уларнинг тақлиф ва мулоҳазаларини қонунчиликда инобатга олиш, шунингдек, қабул қилинаётган қонунлар ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва мавжуд имкониятларини акс этти-

риш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмақлашувчи комиссия раиси Анвар Тўйчиев иштирокида ўтказилган учрашувда маҳаллий Кенгашлар ва доимий комиссиялар фаолиятини янада такомиллаштириш, Сенат қўмиталари ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан парламент ва депутатлик назорати самарадорлигини оширишнинг долзарб вазифалари муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ — ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеаликларга эътибор қаратилди, шунингдек, қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Фракциялар ҳаёти

Истеъмолчилар ҳуқуқи ҳимояси кучайтирилмоқда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида яроқлилик мuddати ўтган ва яроқлилик мuddати кўрсатилмаган ҳолда товарларни реализация қилиш ҳамда сотишнинг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси обдан муҳокама этилди.

Айтилганидек, амалда яроқлилик мuddати ўтган, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик мuddати кўрсатилиши шартлиги белгиланган товарларни уларнинг ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик мuddатини кўрсатмаган ҳолда реализацияси билан шуғулланганлик ва сотишга қабул қилганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

Ушбу қонун лойиҳаси эса истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, товарларнинг яроқлилик мuddатига оид талабларга қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган.

Ҳужжат билан Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддасига тегишли ўзгаришлар киритилмоқда. Хусусан, яроқлилик мuddати ўтган, шунингдек, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик мuddати кўрсатилиши шартлиги белгиланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик мuddати кўрсатилмаган ҳолда реализацияси билан шуғулланганлик ва сотиш мақсадида қабул қилганлик учун маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича жарималар миқдорини ошириш назарда тутилган.

Муҳокама давомида депутатлар айрим савдо дўконларида инсон саломатлигига ҳафф тўғдирувчи маҳсулотларни сотиш ҳолатлари учраётгани, бу эса аҳоли ўртасида асосли эътирозларга сабаб бўлаётганини таъкидлади. Мазкур ҳуқуқбузарликлар учун жарималар миқдорини ошириш орқали тадбиркорларнинг масъулиятини янада кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Фракция аъзолари Галия Райханова, Диёр Ҳусанов ва бошқалар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, мазкур ҳужжат аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, савдо маданиятини ошириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексида ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

— Юртимизда сувдан оқилона фойдаланиш ва сув ресурсларини самарали бошқариш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди фрак-

ция аъзоси Бахитбай Алдамуратов. — Мазкур ҳужжат соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш ва замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш орқали кишлоқ ҳўжалиги ҳамда сув таъминоти тизими самарадорлигини кўтаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Шу сабабли қонун лойиҳасининг долзарблигини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватладик.

Инсон ҳаёти — олий кадрят

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида яроқлилик мuddати ўтган ва яроқлилик мuddати кўрсатилмаган ҳолда реализация қилиш ҳамда сотишнинг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимояси бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётган бўлса-да, айрим савдо дўконларида ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик мuddати кўрсатилмаган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ҳолатлари кўпаймоқда. Натижада истеъмолчиларнинг бу борадаги эътирозлари ҳам ортиб борапти.

Жумладан, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасида 2024 йилда 547 та, 2025 йилда эса 560 та муножабат келиб тушган. Улар бўйича 2024 йилда 79 та, 2025 йилда эса 80 дан ортиқ маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, судларга юборилган.

Қонун ташаббускорларининг қайд этишича, инсон саломатлигига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи бундай ҳолатларнинг кўпайишига маъмурий ҳуқуқбузарлик учун белгиланган жарималар миқдори камлиги сабаб бўлмоқда. Шу боис ушбу қонун лойиҳаси билан бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик янада кучайтирилмоқда.

Йиғилишда бу масала генофонд билан боғлиқ экани таъкидланди. Фракция аъзолари партиянинг сайловолди дастурида миллат генофондини сақлаш масаласида бир қатор вазифалар белгиланганидан келиб чи-

қиб, қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Фракция аъзоси Даврон Арипов ушбу масала инсон ҳаёти билан боғлиқ эканини қайд этиб, қонунчиликка бу борадаги талабларни бузганлик учун жавобгарлик юзасидан ўз тақлифларини берди.

Йиғилишда кун тартибидagi барча масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Суд жараёнларида адвокатнинг роли ва таъсири оширилади

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси қизғин кечди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят-процессуал кодекси ва “Адвокатга тўғрисида”ги қонунга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят-процессуал кодекси ва “Адвокатга тўғрисида”ги қонунга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Ҳужжат билан ҳимоячига дастлабки тергов ёки суриштирув аяқланганидан кейин беш сутка ичида “ҳимоя фикри”ни тақдим қилиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилмоқда. Ҳимоя фикрида айбловга муносабат, далиллар, ҳазонни енгиллаштирувчи ҳолатлар, судга чиқарилиши сўралаётган шахслар ва бошқа

д тутиляпти. Лойиҳага кўра, жиноят иши судга фақат айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга киритилиши белгиланмоқда.

Ҳужжат билан ҳимоячига дастлабки тергов ёки суриштирув аяқланганидан кейин беш сутка ичида “ҳимоя фикри”ни тақдим қилиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилмоқда. Ҳимоя фикрида айбловга муносабат, далиллар, ҳазонни енгиллаштирувчи ҳолатлар, судга чиқарилиши сўралаётган шахслар ва бошқа

фракция давомида фракция аъзолари Бехзод Тўхтумуродов, Тўхтидин Мавлонов ва бошқалар қонун л о й и ҳ а с и н и н г аҳамияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ундаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар берди. Шунингдек, қатор тақлифлар ҳам билдирилди.

— Мазкур қонун лойиҳаси суд-ҳуқуқ тизимида томонларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлиги принципини янада кучайтириш, адвокатларнинг процессуал имкониятларини кенгайтиришга қаратилган, — дейди фракция аъзоси Зўҳридин Мавлонов. — Шу сабабли йиғилишда партияимиз мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича ўз тақлифла-

ЎЗБЕКИСТОН ВА АЛБАНИЯ ЎЗАРО МАНФААТЛИ СИЁСИЙ-ИҚТИСОДИЙ ШЕРИКЛИКНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ КУН ТАРТИБИНИ ШАКЛЛАНТИРМОҚДА

Ўзбекистон ва Албания ўртасида дипломатик муносабатлар 1993 йил 23 ноябрда ўрнатилган. Ҳозирги вақтда расмий алоқалар Ўзбекистоннинг Венадаги ва Албаниянинг Москвадаги элчихоналари орқали амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги сиёсий алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. 2025 йил 23 сентябрь кuni Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 80-йилиб сессияси доирасида Ўзбекистон Президентининг Албания Президенти Байрам Бегай билан ўтказган музокаралари икки томонлама муносабатлар ривожидида муҳим босқич бўлди.

Учрашувда сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Сиёсий мулоқот ва иқтисодий ҳамкорликнинг барқарор механизмларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Музокаралар якунида томонлар Ўзбекистон — Албания муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишдан ўзаро манфаатдор эканини таъкидлади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Албания алоқаларининг ривожланиши икки мамлакат таъкид сиёсат идоралари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлигининг фаоллашуви билан бирга кечмоқда.

2024 йил 24 сентябрь кuni Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 79-сессияси доирасида Ўзбекистон таъкид сиёсат идораларининг Албания Европа ва таъкид ишлар вазири Игли Ҳасани билан учрашув бу борадаги муҳим қадам бўлди. Музокаралар якунида дипломатик паспорт эгалари учун визасиз режим тўғрисидаги ҳукумат-

лараро битим имзоланди ва бу икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Ўзбекистон таъкид сиёсат идораси раҳбарининг 2025 йил 25 сентябрь кuni БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессияси доирасида Албаниянинг Европа ва таъкид ишлар вазири Элиса Спиропали билан ўтказган учрашувидан сўнг ҳамкорлик янада ривожланди. Музокаралар чоғида икки мамлакат Таъкид ишлар вазириликлари ўртасида мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиши ва идоралараро алоқаларни янада мустаҳкамлашни назарда тутувчи ҳамкорлик тўғрисидаги баённома имзоланди.

Мазкур ҳужжатларнинг имзоланиши икки томонлама шериклигининг қўшимча институционал механизмларини шакллантиришга хизмат қилди. Эришилган келишувларнинг амалий натижаси ўлароқ шу йил 30 апрелда Таъкид ишлар вазириликлари ўртасида Ўзбекистон — Албания сиёсий маслаҳатлашувларининг биринчи давраси ўтказилди.

Онлайн форматда ўтган маслаҳатлашувлар икки давлат ўртасида мунтазам сиёсий мулоқотни йўлга қўйишда муҳим босқич бўлди. Бундай механизмнинг яратилиши икки томонлама кун тартибидagi долзарб масалаларни муҳокама қилиш ва ўзаро манфаатли масалалар бўйича ёндашувларни мувофиқлаштириш учун қўшимча имкониятлар яратди.

Ўзбекистон — Албания муносабатлари таркибиди сиёсий мулоқот билан бир қаторда савдо-иқтисодий ҳамкорлик муҳим ўрин тутди, бироқ у ҳозирги кунда мавжуд салоҳиятга мос келмайди.

Ўзаро савдо ҳажми нисбатан

камлигига қарамай Ўзбекистон ва Албания ҳамкорлигини кенгайтиришнинг устувор йўналишлари, жумладан, инвестиция соҳасида биргаликда иш олиб бормоқда. Шу нуктаи назардан, Албания Президенти Байрам Бегайнинг V Тошкент халқаро инвестиция форумидаги иштироки икки мамлакат ишбилармон доиралари учун ўзаро манфаатли алоқаларни кучайтириш зарурлиги тўғрисидаги муҳим ишора бўлди.

Томонларнинг фикрича, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар етказиб беришни кўпайтириш, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамкорлигини кенгайтириш, икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ўзаро шериклигининг истиқболли йўналишлари бўлиши мумкин. Маданий-гуманитар алмашинуви янада ривожлантириш ва халқаро майдонларда ҳамкорлигини кучайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Сиёсий мулоқотнинг изчил фаоллашуви, шартномавий-ҳуқуқий базанинг такомиллашуви ва мунтазам идоралараро маслаҳатлашувлар механизмларининг ишга туширилиши икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштириш учун қўлай шароит яратмоқда. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон ва Албания тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантиришдан ўзаро манфаатдор эканини намён этмоқда.

Икки томонлама мулоқотнинг изчил ривожланиши мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга ва турли соҳаларда амалий ҳамкорлик учун янги имкониятлар очишга хизмат қилиши кутилмоқда.

«Дунё» АА.

ЯНГИЛИКЛАР

Қўшариқ — гастрономик туризм маскани



Андижон шаҳридаги Қўшариқ маҳалласи ҳудудида кечаю кундуз, яъни 7/24 тартибда хизмат кўрсатадиган замонавий, барча қулайликка эга гастрономик туризм кўчаси барпо этилди. Ушбу маскан шаҳар аҳолиси ва меҳмонларнинг мароқли хордиқ чиқариши учун кенг имконият яратди.

Унда 50 дан зиёд савдо ва хизмат кўрсатиш соҳобчалари, музикамўқ ҳамда салҳин ичимликлар дўконлари, хушманзара жойлар мавжуд.

— Бу Андижон шаҳридаги иккинчи гастрономик кўча ҳисобланади, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, “Нуроний” жамғармаси Андижон вилоти бўлими раҳбари ўқтамжон Охунов. — Ҳудудда яратилган замонавий инфратузилма, кўркам сайилгоҳ, хизмат кўрсатиш объектлари, савдо дўконлари янги гастрономик кўчани нафақат андижонликлар, балки шаҳарга келувчи сайёҳлар учун ҳам қулай ва жозибадор манзилга айлантирди.

Дарҳақиқат, гастрономик туризм кўчаси хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишга ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга, мазкур лойиҳа шаҳарнинг замонавий қиёфасини бойитиш ва туризм салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

Дунё баҳодирларини жам қилган анжуман



Хива шаҳрида Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишлаб ўтказилган VI халқаро “Strongmen” баҳодирлар ўйинлари якунига етди. Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси ва Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу мусобақаларда дунёнинг 17 давлатидан 30 дан зиёд баҳодирлар иштирок этади.

Қатнашчилар Хива устунларини маълум масофага кўтариб бориш, турли огирликдаги Хоразм чўғирмаларини баландликка отиш, Мўйноқ лангарини судраш каби қизқарли шартлар бўйича ўз маҳоратини намойиш қилди.

Яқуний натижага кўра, ҳамюртимиз Мўхаммадали Тўхтаматов 1-ўринни, Янги Зеландия вакили Тиано Деан Русселл 2-ўринни, литвалик Жокүзус Вилиус 3-ўринни эгалади. Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари пул мукофотлари билан тақдирланди.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун давлат умумий ўрта таълим ташкилотлари ўртасида «Илғор муҳандислик мактаби» миллий танлови ўтказилади.

ТОШКЕНТ – САРМОЯДОРЛАР УЧУН ЭНГ ИШОНЧЛИ МАНЗИЛ

Глобал геосийёс ва макроиктисодий мураккабликлар даврида капитални хавфсиз сақлаш, барқарор бозорларни кашф этиш ҳамда ишончли шериклар топиш халқаро инвесторлар учун энг устувор вазифага айланди. Мана шундай вазиятда Марказий Осиёнинг иқтисодий драйвери — Ўзбекистон навбатдаги йирик сийёс-иқтисодий тадбирга мезбонлик қилмоқда.

Нуктаи назар

Пойтахтимизда бешинчи мартаба ўтказилаётган Тошкент халқаро инвестиция форумининг асосий мавзуси “Инвестициявий барқарорлик: янги марралар, янги шериклик” деб номланди. Иштирокчилар глобал инкирозлар шароитида капитални қандай ҳимоя қилиш, қайси институционал механизмлар ривожланаётган бозорларда инвестиция барқарорлигини таъминлаш ва янги ҳамкорлик йўналишларини қардан излаш кераклиги каби энг долзарб саволларга жавоб излайди.

Жорий йилда жаҳон иқтисодиёти таъминот занжирларининг парчаланиши, протекционизм ва божхона тўсиқларининг кучайиши ҳамда геоиқтисодий ноаниқлик шароитида ривожланмоқда. Айнан шу боис йирик капитал эгалари учун юқори даромад билан бирга барқарорлик ҳамда ҳуқуқий ҳимоя биринчи ўринга чиқди. Форум ширини ушбу глобал талабга бевосита жавобдир. Қайд этиш жоизки, бу йилги форумга юздан ортқ муаммалардан 3 400 нафардан зиёд хорижий вакиллар, жами 8 300 дан ортқ иштирокчилар рўйхатдан ўтган. Бу — форум тарихидаги энг катта кўрсаткич.

Бу йилги форум чин маънода музокаралар майдони бўлади. Негаки, Ўзбекистон иқтисодиётида эришилаётган тарихий ҳамда мисли кўрилмаган макроиктисодий натижалар бу йўналишдаги алоқаларни янада кенгайтириши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган тизимли ишловлар ўз самарасини бермоқда. Статистик маълумотларга кўра, ўтган йил якуни бўйича Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 7,7 фоиз ўсиб, 147 млрд. доллардан ошди. Бу 2021 йилдан бугун энг юқори кўрсаткич бўлиб, Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги энг тез ўсиш суръатларидан бири дегани. “Fitch Ratings” ҳамда “S&P Global” халқаро рейтинг агентликлари мамлакатнинг суверен кредит рейтингини илк бор “BB”-дан “BB” даражасига кўтарди. “Moody’s” агентлиги эса Ўзбекистон истиқболларини “икхобий” деб қайта баҳолади.

Марказий банк маълумотларига кўра, мамлакатимизнинг халқаро олтин-валюта захиралари илк бор 77 млрд. доллардан ошиб кетди. Бу ҳар қандай таъки шоклардан ҳимоя қила олувчи мустаҳкам пойдевордир. Юртимиз экспорти 24 фоиз ўсиб, 33,8 млрд. долларни ташкил этди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми эса бир йилда 46,9 фоизга ошди ва умумий капитал қўйил-маларнинг 40,5 фоизини ташкил этди.

Ўзбекистон инвестициявий жозибдорлигининг ҳақиқий қамровини англаш учун яқин ўтмишга назар солиш киёф. 2017 йилда Ўзбекистонга жалб қилинган йиллик хорижий инвестициялар ҳажми бор-йўри 4 млрд. долларни ташкил этарди. Орадан саккиз йил ўтиб, 2025 йил якуни-ларига кўра бу кўрсаткич 42 млрд. долларга етди. Саккиз йил ичида инвестиция оқимининг ўн баробарга кўпайиши жаҳон иқтисодиёти тарихида қамдан-кам учрайди-ган феноменал кўрсаткичдир. Мазкур рақамлар мамлакатимизнинг ташқи дунё учун ёпиқ қарам бозордан қонун устуворлиги ҳамда инвестор ҳуқуқлари ҳимояланган очик ва ишончли иқтисодий маконга айланишини исботлайди.

Форумда асосий ургу нималарга қаратилади?

Нуфузли форум доирасида қатор стратегик соҳаларга асосий ургу берилади. Биринчидан, “яшил” энергетика ҳамда қайта тикланувчи манбаларга эътибор-ни кучайтириш, Саудия Арабис-тонининг “ACWA Power”, БААнинг “Masdar” каби гигантлари билан бошланган лойиҳаларни янги бос-қичга олиб чиқиш диққат мар-кази бўлади. Иккинчидан, ра-қ а м л и трансформация ва сунъий ин-теллект йўналишларига аҳамият қаратиш орқали жаҳон технология бозори етакчиларини Ўзбекистоннинг IT-хабга айланиш стратегиясига жалб қилиш масаласи ҳам кун тартибидан ўрин олган. Учинчидан, Марказий Осиёни Жанубий Осиё ҳамда Европа билан бо-лайдиган янги транзит йўналиш-ларини молиялаштириш, шунинг-дек, давлат активларини хорижий инвесторларга шаффоф сотиш жараёнини тезлаштириш диққат-эътибордан бўлиши қўтилмоқда.



Ўзбекистон ўзининг 147 млрд. долларлик ЯИМ ҳамда 42 млрд.

зида бўлади. Иккинчидан, ра-қ а м л и трансформация ва сунъий ин-теллект йўналишларига аҳамият қаратиш орқали жаҳон технология бозори етакчиларини Ўзбекистоннинг IT-хабга айланиш стратегиясига жалб қилиш масаласи ҳам кун тартибидан ўрин олган. Учинчидан, Марказий Осиёни Жанубий Осиё ҳамда Европа билан бо-лайдиган янги транзит йўналиш-ларини молиялаштириш, шунинг-дек, давлат активларини хорижий инвесторларга шаффоф сотиш жараёнини тезлаштириш диққат-эътибордан бўлиши қўтилмоқда.

Тошкент халқаро молия мар-кази резидентлари учун 2076 йил-гача, яъни ярим аср давомида солиқ имтиёзлари ҳамда префе-ренциялар пакети тақдим этила-ди. Молия маркази миллий иқти-содиётдан ажратилган алоҳида “офшор оролча” сифатида эмас, балки мамлакатнинг умумий ҳуқуқий тизимига интеграциялаш-ган ҳолда ишлайди. Бу регуля-торлар ўртасидаги тарқоқликни камайтиради ҳамда хорижий ин-весторларнинг маҳаллий бозор ва лойиҳалар билан бевосита ҳам-корлик қилишини максимал да-ражада соддалаштиради.

Форум дастури тўртта асосий тематик йўналиш атрофида қурил-ган. Бунда инвестициялар барқа-рорлиги ҳамда капитални ҳимоя қилиш механизмлари асосий ўринда бўлиб, бу ерда глобал ин-кирозлар шароитида активларни суғурталаш ҳамда хавф-сиз сақлашга қарати-лади. Молиявий ин-фратузилма ва капитал бозорларини ривож-лантириш йўналиши доирасида Ўзбекистон тарихида илк бор муқобил инвестиция фондлари (хусусий ка-питал — Private Equity ва венчур капитали — Venture Capital) фаоли-ятининг қонуний асо-ларини ҳамда норматив базаси тақдим этила-ди. Бу стартаплар ва инновацион лойиҳа-ларга миллионлаб дол-ларлик тўғридан-тўғри

йўли билан ҳал қилишнинг сама-рали механизмидир. Демак, бе-шинчи Тошкент халқаро инвести-ция форуми Ўзбекистоннинг фа-кат тез ўсаётган бозор эмас, бал-ки энг юқори халқаро стандарт-лар асосида ҳимояланган тизим-ли молиявий марказга айланга-нини намойиш этади.

Инвесторлар учун энг жозибадор йўналиш

Ўзбекистоннинг энергетика кун тартибидан халқаро инвесторлар учун энг жозибадор йўналишлардан биридир. Мамлакат ўз олди-да жуда улкан мақсад қўйган, яъни 2030 йилга бориб электр энер-гияси ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи манбалар улушини 54 фоизга етказиш.

Бугунги кунда бу борада амал-лий пойдевор яратилган бўлиб, ҳозирда умумий қуввати 4 ГВтдан ортқ бўлган қуёш ва шамол электр станциялари муваффақ-иятли ишлаб турибди. Лойиҳа до-ирасида яна қўшимча 19 ГВт қу-ватга эга “яшил” объектларни ишга тушириш кўзда тутилган. Инвесторлар учун бу жуда тушу-нарли, тизимли ҳамда кафолат-ланган бозордир. Бу ерда халқа-ро стандартларга мос узоқ муд-датли “PPA” (Power Purchase Agreements — электр энергияси-ни сотиб олиш шартномалари) механизми ва бозорга киришининг аниқ қоидалари ишлайди. Ушбу мавзу форумнинг энергетика па-нель сессиясида энг кўп муҳока-ма қилинадиган масала бўлиши қўтилмоқда.

Форум доирасида қатор дав-латлар ва ташкилотлар билан ало-ҳида инвестициявий мулоқотлар бўлиб ўтади. Корея Республикаси, АКШ, Венгрия, Туркия ҳамда Озарбайжон каби давлатлар билан икки томонлама бизнес-фор-умлар, Хитой ва ШХТ мамлакат-лари ўртасидаги махсус инвести-циявий мулоқот платформаси шу-лар жумласидандир.

Бу йилги муҳим янгиланглардан бири — форум арасида, 16 июнь кун Марказий Осиё ва Кавказ Инвестиция кенгашири-нинг минтақавий альянси биринчи иш мажлисини ўтказди. Армани-стон, Озарбайжон, Қозғистон каби давлатлар тасвиси бўлган ушбу платформа Ўзбекистоннинг мин-тақавий иқтисодий интеграцияда-ги етакчилик ролини мустаҳкам-лайди ҳамда капитал учун янго, йирикроқ минтақавий бозор шакл-ланишига хизмат қилади.

Давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокидаги ялпи мажлис фо-румнинг умумий руҳини белгила-ди беради. Шу билан бирга, 6 минг квадрат метр майдонни эгалла-ган санаот ва инвестициявий са-лоҳият кўргазмаси ташкил этила-ди. Энг қизиқарлиси, форумнинг юбилей кечаси Орол денгизи фо-жиясига бағишлаб ўтказилган машур “Стихия” (Stihia) электрон мусиқа фестивали билан ҳамкор-ликда яқунланади. Бу орқали Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига ўзини фақат консерватив эмас, балки замонавий, прогрессив ва ёшлар маданиятини қўлаб-қув-ватловчи очик давлат сифатида тақдим этмоқда.

18 июнь кун Хорижий инвес-торлар кенгашининг тўрттинчи мажлиси бўлиб ўтади. Унда йи-рик компаниялар давлатимиз раҳбарига ўз тақлифларини тақ-дим этади. Тадбир доирасида Ўзбекистон инвестиция салоҳи-ятининг иккинчи кўргазмаси ҳам ташкил этилади.

Умуман олганда, уч кунлик учрашу-влар натижасида ўн миллиардлаб долларлик янги инвестиция битимлари имзоланиши қўтилмоқда. Форум мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, халқаро молия институтлари ҳамда йирик компаниялар билан ҳамкорликини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан бирга Ўзбекистон иқтисодиёти учун улкан имкониятлар эшигини ҳам очади.

Искандар ЮЛДАШЕВ,
Тошкент халқаро университети ректори,
иқтисодиёт фанлари бўйича
философ доктори (PhD)

Анжуман ИНВЕСТИЦИЯ — ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш, капитал бозорини ривожлантириш Янги Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шу боис бугунги кунда инвестиция муҳитини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кенг қўлам касб этиб, халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик алоқалари кун сайин кенгаймоқда.



Пойтахтимизда “Ўзсаноатқури-лишбанк” (SQB) ташкил этган “Халқаро капитални жалб қилиш ва миллий иқтисодиётни ривожланти-ришда SQB таърибаси” мавзуди-даги матбуот анжуманида шу ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, банкнинг трансформация жараёни халқаро молия бозорларидаги позициялар-ни мустаҳкамлаш, инвестициявий жозибадорлиқни ошириш ва мо-лиявий барқарорлиқни таъминлаш-га хизмат қилмоқда. Бунинг ис-ботини банкнинг асосий молиявий кўрсаткичлари кўтарилиб бораётга-нида ҳам кўриш мумкин.

Банк активлари ҳажми 102 трлн. сўм, капитали 12 трлн. сўм, депозит базаси 31,5 трлн. сўм, шундан аҳоли омонатлари ҳажми 10,5 трлн. сўмни ташкил этди. 2025 йил ок-тябрга кўра, соф фойда 1,9 трлн. сўм бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича ти-жорат банклари орасида етакчи ўринни эгаллади. Иқтисодиёт тар-моқлари ва тадбиркорлик соҳасига 26,7 трлн. сўм микдорида кредит ажратилиб, 120 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Халқаро капитални жалб қилиш нафакат банклар, балки бутун иқти-содиёт ривожини учун муҳим аҳама-ият касб этади. Ўзлаштирилаётган маблағлар янги ишлаб чиқариш қувватлари, замонавий инфра-тузилмалар, қўшимча иш ўринлари яратиш, бир сўз билан айтганда, тадбиркорлиқни ривожлантиришга хизмат қилади.

Банк мутасаддиларини айтиши-ча, SQB ўзини халқаро капитал бозорларида ишончли ва профессио-нал молия институти сифатида та-нипти. 2025 йил давомида халқаро молия институти ва хорижий бан-клардан жами 932,3 млн. долларлик ресурс жалб қилинган бунинг ёрқин исботидир. Эътиборлиси, уларнинг асосий қисми Европа ва араб давлатлари, АКШ, Яқин Шарқ мамлакатлари ҳамда Буюк Брита-ния улушига тўғри келади. Бундан ташқари, ўтган йили бешта янги мо-лия ташкилоти билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, улар иштирокида иқтисодиёт тармоқларига 160 млн. доллар микдорида маблағлар йўналтирилди.

— Банк хорижий етакчи молия институтлари, экспорт-кредит аген-тликлари ва капитал бозори ресурс-ларини қамраб олган диверсифи-кацияланган молиялаштириш пор-тфелини шакллантирди, — дейди банк бошқаруви раиси ўринбосари Абдурашид Ҳақимов. — Бу узоқ муд-датли ва барқарор ресурс базаси-ни яратиш имконини бермоқда. Жалб қилинган маблағлар ҳисоби-дан корпоратив, ўрта, кичик ва ми-кробизнес сегментларига 1400 га яқин лойиҳалар молиялаштирилди. “Rubicon Wireless Communication” корхонасининг мамлакатимиз бўйлаб “5G Stand Alone” алоқа ин-фрадузилмасини ривожлантириш ҳамда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ учун 200 та катта сигимли электро-бус ва қувватлаш ускуналари хари-ди ана шундай йирик лойиҳалар си-расига қиради. Улар мамлакатнинг рақамли ва транспорт инфратузил-масини янги даражага кўтаришга хизмат қилади, албатта.

Анжуманда сўзга чиққан Молия институтлари ва инвесторлар билан ишлаш департаменти директори ўринбосари Акбархон Иброҳимов айтганидек, чет эллик инвесторлар

сармоя йўналтиришдан олдин мам-лакат иқтисодиётининг барқарорли-ги ва банк тизими ишончилигига эътибор қаратади. Бугунги кунда банк дунёнинг қўлаб етакчи молия муассасалари, жумладан, “JP Morgan”, “Citibank” ва “Deutsche Bank” кабилар билан иш олиб бо-раётгани, шунингдек, Хитой, Жану-бий Корея молия муассасалари би-лан ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилаётгани Ўзбекистон иқтисодиётига юқори ишонч нати-жасидир.

SQB 2024 йил июлда Лондон фонд биржасида 580 млн. доллар эквивалентидаги еврооблигациялар-ни муваффақиятли жойлаштирди. Қимматли қозғоларни жаҳоннинг 69 та йирик фонди ва инвестиция компанияси харид қилди, уларнинг 55 фоизи АКШ инвесторлари ҳис-сасига тўғри келди. 2025 йил ок-тябрда эса банк Лондон фонд бир-жасида 300 млн. долларлик бирин-чи даража қўшимча капитал — “AT1” облигацияларини муомалага чиқарди. Инвесторлар талаби эмис-сия ҳаммадан тўрт баробар зиёд бўлди. Ушбу битим “GlobalCapital” нашрининг “Central and Eastern Europe Deal of the Year” мукофоти билан эътироф этилди.

SQBнинг жаҳон молия бозорла-ридаги фаолияти ва молиявий кўрсаткичлари халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам ижо-бий баҳоланяпти. Хусусан, “Fitch Ratings” банк рейтингини “BB-” да-ражасидан “BB” (барқарор) даража-га кўтарди. “Moody’s” агентлиги эса банкнинг “Ba3” (икхобий прогноз) рейтингини тасдиқлади.

Анжуман давомида ташкилотнинг келгусидаги режалари борасида ҳам батафсил маълумот берилиб, бир-гина 2026 йилда 1,2 млрд. доллар-дан зиёд хорижий ресурслар жалб қилиниши режалаштирилгани ай-тилди. Жорий йилнинг 1 июнь ҳолати-га кўра, 313 млн. долларлик кредит линиялари бўйича келишуларга эришилди. Ушбу маблағлар ҳисоби-га 530 дан ортқ лойиҳалар молия-вий қўлаб-қувватланди.

Шу йил май ойида Миллий ин-вестиция жамғармаси акциялари IPO орқали Лондон ва Тошкент фонд биржаларида оммавий савдога чи-қарилди. Жамғарма активлари тар-кибида SQBнинг 40 фоизлик улуши киритилиши эса банкни хусусий-лаштиришга тайёрлаш ва унинг ин-вестициявий жозибадорлигини оши-ришга хизмат қилувчи муҳим қадам сифатида баҳоланди.

Оммавий ахборот воситалари хо-димларининг банкнинг келгусидаги стратегик режаларида аҳоли фаро-вонлиги учун қандай қўлайликлар кўзда тутилгани, банк фаолиятида рақамлаштириш ва Сининг роли, кибербезопаслик ҳамда жалб қилин-ган инвестицияларни ўз ўрнига йўналтиришда амалий қийинчи-ликларга доир саволларга масъу-ллар томонидан батафсил жавоб берилиди.

Келгусида ҳам банк халқаро ка-питал бозорларидаги иштирокчи-ни кенгайтириш, инвесторлар билан ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, ресурс манбаларини диверсификация қилиш ҳамда иқтисодиётнинг усту-вор тармоқларини молиялаштириш бўйича ишларни фаол давом этти-риши алоҳида таъкидланди.

Ғолиб БАҲРОМОВ
(“Халқ сўзи”).

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси корхонада узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган меҳнат файриис, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими
Қўтибдин МАНСУРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

БМТнинг Нью-Йорк ва Женевадаги тузилмалари ҳамда UNESCOнинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизий илмий меросига бағишланган махсус тақдимотлар ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 22 376 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; коттепбон 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятта келган қўлашмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзтаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.46 Тоширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6